

**Алкоголли маҳсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш интерактив-ахборот хизмати регламенти**

**Хизмат номи:**

Алкоголли маҳсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил қилиш

**Хизмат ҳақида:**

Алкоголли маҳсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил қилиш

**Хизматнинг соҳага тегишлилиги:**

Рухсат берувчи ҳужжатлар

**Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси:**

Юридик шахслар

**Боғланиш:**

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари

**Хизматни кўрсатиш учун керак бўладиган ҳужжатлар (нусхалар сони):**

- юридик шахснинг номи ва ташкилий ҳуқуқий шакли, у жойлашган жой (почта манзили), банк муассасаси номи ва банкдаги ҳисоб рақамининг тартиб рақами кўрсатилган ҳолда рухсат гувоҳномаси берилиши тўғрисида ариза;
- юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- шаҳарларда — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 баравари миқдориди ва қишлоқ жойларда ҳамда чекка тоғли туманларда — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдориди шакллантирилган устав фонди мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси. Устав фонди пул маблағларида шакллантирилган тақдирда тасдиқловчи ҳужжат хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилади. Устав фонди бошқа мол-мулк билан шакллантирилган тақдирда юридик шахс ушбу мол-мулкка эгалик ҳуқуқи, унинг қиймати ва у устав фондига қўшилганлиги ҳақидаги тасдиқномани тақдим этади;
- чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқлайдиган банк ҳужжатининг нусхаси. Ишчи орган рухсат гувоҳномасини бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотни белгиланган тартибда ахборот соҳасидаги ҳамкорлик воситасида, шу жумладан электрон кўринишида мустақил равишда олади, мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборот бундан мустасно.

а. Юридик шахсдан юқорида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

б. Ҳужжатлар юридик шахс томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги маълум

қилинган ҳолда почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, уларнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда ариза берувчига топширилади (юборилади).

Қонун ҳужжатларида белгиланган тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги учун юридик шахс — ариза берувчи жавоб беради.

**Хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси:**

Алкогол маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини бериш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги 605-сонли “Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилади

**Хизмат нархи ва тўлаш тартиби:**

Давлат божига тўланган ҳақида тўлов маълумотномаси (квитанция) 5 минимал иш ҳақи шундан 10 фоиз департамент ҳисоб рақамига 90 фоиз ДСИга тўлов 2 минимал иш ҳақи лицензия муддати 1 ой, 6 ойга олинadиган савдо гувоҳномаси учун тўлов 30 минимал иш ҳақи.

**Хизмат кўрсатиш муддати:**

Аризани кўриб чиқиш муддати 1 ой

**Натижани олиш усуллари:**

Шахсан, почта ва электрон почта орқали

**Хизмат натижаси:**

Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси


**Рад этиш сабаблари:**

Белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда

**Шикоят ариза бериш тартиби:**

Лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

## Интерактив хизмат кўрсатиш схемаси



### Умумий овқатланишда алкоголь савдосига лицензияни рўйхатдан ўтказиш учун норматив ҳужжатлар рўйхати

1. Гувоҳнома нусхаси;
2. Низом нусхаси;
3. Низом фонди 100 минимал иш ҳақи ёки ундан юқори шаклланганлиги;
4. Ижара шартномаси нусхаси;
5. Кадастр нусхаси;
6. Терминал шартномаси;
7. ДСЭНМ маълумотномаси;
8. ЁХБ (Пожарный ) маълумотномаси;
9. ИИББ (РОВД) маълумотномаси;
10. ДСИ (налог) маълумотномаси;
11. НКМ рўйхатдан ўтказиш;
12. Давлат божига тўланган ҳақида тўлов маълумотномаси (квитанция) 5 минимал иш ҳақи шундан 10 фоиз департамент ҳисоб рақамига 90 фоиз ДСИга тўлов 2 минимал иш ҳақи лицензия муддати 1 ой, 6 ойга олинадиган савдо гувоҳномаси учун тўлов 30 минимал иш ҳақи.

**Умумий овқатланишда алкоголь савдосига лицензияни рўйхатдан ўтказишда аризачи  
(тадбиркорлик субъекти) ва ходимларнинг маъсулияти**

**Аризачи:**

1. Ўрнатилган тартибда департамент ходими томонидан берилган ҳужжатлар тўпламини тўплаш;
2. Ариза тўлдириш;
3. Ариза билан биргаликда керакли ҳужжатлар тўпламини масъул ходимга топшириш;
4. Департамент ходими томонидан топширилган ҳужжатларда камчилик аниқланган тақдирда камчиликларни бартараф этиш ёки кўрсатиб ўтилган ҳужжатга алмаштириш

**Умумий овқатланишда алкоголь савдосига лицензияни рўйхатдан ўтказиш бўйича  
масъул ходим вазифаси**

1. Аризачи (тадбиркорлик субъекти) дан ариза ва норматив ҳужжатларни қабул қилиш;
2. Аризани тўғри тўлдирилганлигини текшириш;
3. Норматив ҳужжатларни тўғрилигини текшириш;
4. Аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни компьютер базасига киритилгандан сўнг, кўриб чиқиш учун туман комиссиясига тақдим этиш;
5. Комиссия хулосасини кўриб чиқиб, департамент бошлиғига тақдим этиш;
6. Шаҳар комиссияси хулосаси келгандан сўнг аризачига савдо гувоҳномасини (лицензия)ни тақдим этиш.

**Умумий алоқа процессини аниқлаш**

1. Аризани кўриб чиқиш муддати 1 ой;
2. Аризага рад жавоби берилган тақдирда аризачи томонидан исталган вақтда исталган юқори ташкилотга шикоят аризаси билан мурожаат этиши мумкин.